

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
RAHBARI**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.К.Нарбаевага
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикери Н.М.Исмоиловга

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (А.А.Абдувахитов,
Р.А.Гулямов, Р.С.Қосимов, Б.М.Мавлонов, Қ.К.Куранбаев, Д.Б.Қодировга)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Ф.Камиловга

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошевга

Вазирлар Маҳкамаси (А.Ж.Раматов, Б.А.Мусаев, Ж.А.Қўчқоров,
Ш.М.Ғаниев, А.А.Абдухакимовга)

Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабовга)

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши
Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига
(рўйхат бўйича)

Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалалари тўғрисида жорий йил 26 февраль куни ўтказилган йиғилиш Баёни юзасидан **Давлат Раҳбарига ахборот берилди.**

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳокимликлар раҳбарларига Баёнда белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва сифатли ижросини таъминлаш учун **шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилди.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарларига Баёнда белгиланган топшириқларнинг муддатида ва сифатли бажарилиши юзасидан **соҳавий назорат ўрнатиш топширилди.**

Вазирлар Маҳкамаси (Мусаев), Ҳисоб палатаси (Турабов) Баён топшириқлари ижросини **катъий назоратга олиб**, ижроси бўйича **ҳар ой якуни билан** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Р.Қосимов, А.Рахмоновга – назорат

2021 йил “” март
№ 02-РА 1-3671


З.Низомиддинов



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида
2021 йил 26 февраль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган
видеоселектор йиғилишининг
11 - сонли БАЁНИ**

**Раислик қилувчи: Ш.М. Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Қатнашганлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари ва уларнинг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, марказий муассасалар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари *(рўйхат бўйича)*.

КУН ТАРТИБИ:

**Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий
қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини
ошириш масалалари тўғрисида**

(Мирзиёев, Нарбаева, Исмоилов, Арипов, Ғаниев, Рафиқов, Маруфова, Мирзаев,
Камалов, Шарипов, Зарипов, Эрманов, Абдурахмонов, Турдимов, Мирзиёев)

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини, яъни **17 миллионга яқинини** хотин-қизлар ташкил этади.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида республикаимизнинг барча ҳудудларида **“Аёллар дафтари”** жорий этилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини **“маҳаллабай”** ўрганиш мақсадида ўтган йили якунида **6 миллион 385 мингдан ортиқ** хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказилди.

Мулоқотлар натижаларига кўра, **9 та** мезон асосида **433 мингга яқин** хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди, уларнинг рўйхатлари халқ депутатлари туман (шаҳар)лар кенгашларида тасдиқланди, улар муаммоларининг электрон базаси шакллантирилди.

Ўтган давр мобайнида “Аёллар дафтари”га киритилган **80 минг нафар** хотин-қизларнинг (19 фоиз) муаммолари ҳал этилди.

Шу билан бирга, хотин-қизлар муаммоларини бартараф қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан манзилли тарзда кўмаклашиш ишларини самарали ташкил этиш борасида ҳалигача кўплаб камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ҳисоботлар, билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида йиғилиш **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар бир туман (шаҳар)да хотин-қизлар билан “маҳаллабай” ишлашда **ҳоким ўринбосарлари**, жойлардаги ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан:

ҳокимнинг иқтисодиёт ва маҳалла бўйича ўринбосарлари – аёллар бандлигини таъминлаш, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ёрдамга муҳтож ногиронлиги бўлган аёлларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига;

ҳокимнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари – тиббий ҳимояга ва психологик ёрдамга муҳтож хотин-қизлар, қарамоғида ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига;

Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали раҳбари – хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш масалаларига;

туман (шаҳар) прокурори, ички ишлар ва адлия бўлимлари бошлиқлари – ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож, зўравонликка учраган хотин-қизларга кўмаклашиш масалаларига;

секторлар раҳбарлари ҳокимнинг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиси билан биргаликда аниқланган муаммоларнинг ечими бўйича “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига киритиш, ижроси бўйича **ҳар ойда** халқ вакилларига ҳисобот тақдим этиш масалаларига;

махалла раиси, унинг хотин-қизлар бўйича ўринбосари “Аёллар маслаҳат кенгашлари” билан биргаликда хотин-қизлар муаммоларини **“хонадонбай”** аниқлаб, сектор раҳбарлари олдига аниқ ва лўнда муаммоларни қўйиш масалаларига;

туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари ва маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари” раҳбарлари — оилавий ажримларнинг олдини олиш, нотинч оилалардаги келишмовчиликларни бартараф этиш масалаларига;

ҳокимнинг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиси туман (шаҳар) касаба уюшмаси раҳбари билан биргаликда хотин-қизларга оид барча топшириқларни мувофиқлаштириб боришга **масъулдир**.

2. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров, Б.Мусаев, Бош прокуратура (Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Адлия вазирлиги (Давлетов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маматов, Маруфова), Халқ банки (Саломов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари:

жорий йил **1 мартдан бошлаб** юқорида қайд этилган масъул раҳбарларнинг **хафтанинг икки кунда** фақат аёллар масалалари билан шуғулланишлари, уларнинг ўзларига бириктирилган йўналишлар юзасидан **хафталик ишлари бўйича ойлик режалари туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланиши** ва улар ижроси юзасидан қатъий назорат амалга оширилишини;

вилоят ва республика даражасидаги раҳбарларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тизим асосида белгиланган йўналишлар бўйича ишлаш тизимини жорий этсин.

3. Бош прокурор ўринбосари С.Артикова:

прокуратура, ички ишлар ва адлия идоралари томонидан ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож, зўравонликка учраган хотин-қизларга кўмаклашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириб борсин ҳамда ушбу йўналишдаги ишлар натижаларини **ҳар ҳафтада** ҳудудлар кесимида муҳокама қилиб борилишини таъминласин;

мунтазам равишда бевосита ҳудудларга чиққан ҳолда, ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож, зўравонликка учраган хотин-қизларга кўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган ишларни танқидий ўрганиб борсин;

бир ой муддатда мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хотин-қизлар учун ягона интерактив миллий платформани яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

уч кун муддатда тегишинча вилоят ҳокими, унинг маҳалла, иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят прокурори, ички ишлар бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси бошлиқларига “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар сони энг кўп бўлган **5 тадан** маҳаллани бириктирсин;

бир ой муддатда масъуллар томонидан бириктирилган маҳаллаларда “Аёллар дафтари” билан ишлаш бўйича “намунали” тизимни йўлга қўйсин.

бир ой муддатда “Аёллар дафтари”га киритилган нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни турар-жой билан таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда эҳтиёжманд аёллар яшаётган ётоқхоналарни унда истиқомат қилаётган oilаларга расмийлаштириб бериш, тўлиқ таъмирлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

ўн беш кун муддатда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касбга ўқитиш, улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича Тошкент шаҳридаги “Мери Поппинс” масъулияти чекланган жамиятининг филиалини очишга кўмаклашсин, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратсин;

ишга муҳтож хотин-қизлар ва ёшларни касбга ўқитадиган мономарказлар, нодавлат нотижорат ташкилотларга бўш турган коллеж биноларини бепул асосда вақтинчалик фойдаланиш учун бериш, ушбу бинолар бўлмаган ҳудудларда эса умумтаълим мактабларида ўқув машғулотларидан сўнг касбга ўргатиш чораларини кўрсин.

5. Аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раҳбари Қ.Рафиков:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат органларининг яқиндан ҳамкорлигини мувофиқлаштириб борсин;

хар ўн беш кунда вилоят ҳокимлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) билан биргаликда “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими, шу жумладан қайси ҳудудда **“яхши”**, қайси бирида **“қониқарсиз”** ишлар амалга оширилаётганлигини маҳаллий телеканалларда ёритиб борилишини ташкил этсин.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериб борсин.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Халқ банки (Саломов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Хаитов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари **2021 йилнинг тўққиз ойи якунига қадар** “Аёллар дафтари”га киритилган **221 минг нафар** ишсиз ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (Камалов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдурахмонов), Бухоро вилояти ҳокимлиги (Зарипов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (Мирзаев):

бир ой муддатда Нукус, Бухоро, Марғилон, Шаҳрисабз шаҳарлари ва Шаҳрихон туманида хотин-қизларни адрас, атлас, аёло бахмал, гилам тўқиш бўйича **бир ойлик** ўқув курсларида хунармандчиликка ўргатиш тизимини жорий қилсин ва **жорий йил якунига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидаги камида **15 минг нафар** аёлларни ўқитсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Молия вазирлиги (Ишметов) **икки ой муддатда** Бандликка кўмаклашиш жамғармаси орқали тўқув дастгоҳларини харид қилишга **20 млрд. сўм** маблағ ажратсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) **ҳар куни** ҳудудларда “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш тизими бўйича **1 соатлик** алоҳида кўрсатувлар тайёрланишини ва намоиш этилишини таъминласин.

9. Халқ банки (Саломов, Рашидова):

ўн кун муддатда Деҳқонобод туманида “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида чорвага кредитларни ажратиш бўйича ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиб, таклиф киритсин;

жорий йилда “Аёллар дафтари”га киритилган **70 мингга яқин** хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун жами **2 трлн. сўм** миқдорида кредит маблағларининг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

10. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) **бир ой муддатда** мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Қарши шаҳрида эҳтиёжманд аёллар яшаётган **3 та** ётоқхонани унда истиқомат қилаётган оилаларга расмийлаштириб бериш, тўлиқ таъмирлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Жиззах (Солиев), Тошкент (Ҳидоят), Самарқанд (Турдимов), Қашқадарё (Мирзаев) ва Наманган (Абдуразаков) вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** Зомин, Бўстонлиқ, Ургут, Китоб, Шаҳрисабз, Чортоқ туманларининг захирадаги ерларини таҳлил қилиб, **50 гектардан** майдонда зафарон ўсимлигини экиш ишларини таъминласин ҳамда **50-60 минг нафар** аёлларни мавсумий иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов **бир ҳафта муддатда** Навоий вилоятининг Кармана туманидан Ғиждувон туманидаги эркин иқтисодий зонага ҳамда Шофиркон туманига темир йўл қурилишини, шунингдек Бухоро шаҳрининг канализация-дренаж тизимини таъмирлаш жараёнларини ҳамда ушбу чора-тадбирларни жадаллаштириш бўйича график тасдиқласин ва назоратга олсин.

13. Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси (Шарипов) республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг ишсиз қатламини, шу жумладан хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида **жорий йил якунига қадар** пиллачилик тармоғида **101 та** лойиҳа ва қорақўлчилик тармоғида **175 та** лойиҳани ишга тушириш чораларини кўрсин.

Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев пиллачилик ва қорақўлчилик тармоғидаги лойиҳаларнинг ишга туширилишини назоратга олсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни, шу жумладан оғир ҳудудлардаги аёлларни пиллачилик, қорақўлчилик соҳаларида бандлигини таъминлашда қуйи тузилмаларнинг Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширишларини ташкил этсин.

14. Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов) **жорий йил 1 сентябрга қадар** “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркор бўлиш истагини билдирган **70 мингга яқин** хотин-қизларнинг бизнесга оид кўникмаларини шакллантириш ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ишларини таъминласин.

Бунда, хотин-қизларни касбларга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларга грантлар ва бинолар (хоналар) ажратиш чораларини кўрсин.

15. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда хотин-қизларни касбларга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рўйхатини шакллантирсин;

бир ой муддатда уларга ҳудудларда ишлашлари учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасидан **10 млрд. сўм** ҳамда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан **10 млрд. сўм** миқдорида грантлар ажратсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов) **15 кун муддатда** Тошкент шаҳридаги вазирлик тасарруфидаги коллежлардан бирини аҳолини, шу жумладан хотин-қизларни касбларга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун “Мери Поппинс” масъулияти чекланган жамиятига ажратиш чораларини кўрсин.

16. Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдурахмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразаков), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) **жорий йил 1 июнга қадар** Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида **камида 2 тадан**, Тошкент шаҳридаги ҳар битта туманда **биттадан** хотин-қизларни касбларга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда, Тошкент шаҳридаги “Мери Поппинс” масъулияти чекланган жамиятининг филиаллари (ваколатхоналари)ни очиш ва тегишли шaroитларни яратиб бериш чораларини кўрсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) секторлар раҳбарлари билан биргаликда **бир ойда бир маротаба** Пойтахтда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказсин, уларнинг муаммоларини эшитиб бориш ва ҳал этиш амалиётини жорий этсин.

17. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Хусанов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳар бир тумандаги вазирлик тасарруфига ўтаётган коллежларнинг бўш турган қисмини тадбиркорлар учун ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун **30 йилгача** муддатга имтиёзли ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин.

Жорий йил якунига қадар **50 минг нафар** хотин-қизларни сифатли ўқитган ҳолда, иш билан таъминласин.

Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда ушбу мақсадлар учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан **70 млрд. сўм маблағни икки ой муддатда** ажратсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Камалов ва Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Сариев **ўн кун муддатда** мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишга муҳтож хотин-қизлар ва ёшларни касбга ўқитиш учун Тўрткўл туманида жойлашган Нукус давлат педагогика институти балансидаги коллеж биносини тасарруф этиш ҳуқуқисиз вақтинчалик фойдаланиш учун туман ҳокимлигига бериш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

19. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг базавий тўлов-контракт миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан тўлаб берилади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили маҳаллий бюджет ҳисобидан **100 нафардан** хотин-қизларни базавий тўлов-контракт миқдорини тўлайди, молиявий барқарор давлат олий таълим муассасаси эса **50 нафаргача** хотин-қизларни ўз ҳисобидан ўқитиб беради.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг базавий тўлов-контракт миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан тўлаб бериш тартибини белгиловчи тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Урганч давлат университети ректори Б.Абдуллаев **бир ой муддатда** умумтаълим мактабларининг 11-синфида таълим олаётган ҳамда математика ва физика фанларини чуқур билган, аммо ота-онасининг биридан айрилган эҳтиёжманд кизларни “маҳаллабай” аниқлаш, университет профессор-ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлаган ҳолда, уларни ушбу фанлардан чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш бўйича “Хоразм тажрибаси”ни яратсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Тўйчиев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев, Баситханова) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тиббий ёрдамга муҳтож, “Аёллар дафтари”га киритилган **44 мингдан зиёд** хотин-қизларни маҳалланинг тиббий бригадаларига бириктириш орқали улар билан ишлашнинг алоҳида тизимини жорий этсин.

Бунда, касалликнинг турига қараб тор доирадаги шифокорларни жалб қилган ҳолда, уларни даволаш ишларини ташкиллаштирсин;

йил якунига қадар хотин-қизлар орасида онкологик касалликларни камайитириш мақсадида одам папилломаси вирусига қарши эмлашни ташкил этсин;

жорий йил якунига қадар қарийб **9 млн. нафар** хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан, жумладан онкологик касалликлар аниқланган беморларни соғломлаштириш чораларини кўрсин;

“Аёллар дафтари”га киритилган, юқори технологияли тиббий хизматларга муҳтож беморларга мураккаб жарроҳлик ва бошқа турдаги тиббий амалиётларни ўтказиш чораларини кўриш каби тадбирларни тизимли ташкил этишни кўзда тутувчи тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Боболов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев) Олтинсой туманида аёллар ўртасида мақсадли тиббий кўрикларни ташкил этиш ва аниқланган беморларни даволаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан **жорий йилнинг I ярим йиллиги якуни** билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбаева ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари И.Баситханова хотин-қизлар, шу жумладан хавф гуруҳига кирган аёлларда кўкрак беши ва аёллар касалликлари саратони скринингини ўтказиш ҳамда мақсадли соғломлаштириш чоралари кўрилишини ташкил этиш ва бу борада ишларни мувофиқлаштириш учун **шахсан масъул этиб белгилансин.**

23. Молия вазирлиги (Ишметов):

бир ҳафта муддатда Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган ҳамда юқори технологияли тиббий хизматларга муҳтож **1,5 мингдан зиёд** беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун **30 млрд. сўм;**

2022 йилдан бошлаб ҳар йили эҳтиёжманд аёлларни даволаш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига қўшимча **50 млрд. сўм** маблағ ажратиш чораларини кўрсин;

“Аёллар дафтари”га киритилган **37 минг нафар** боқувчисини йўқотган, **26 минг нафар** ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш учун “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағлари ҳисобидан **80 млрд. сўм;**

отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида вояга етган муҳтож қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бошланғич тўловини тўлаб бериш учун ҳар бир вилоятга **5 млрд. сўмдан;**

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар-жой ижара компенсациясини тўлаш учун **11 млрд. сўм;**

нотурар жойларда истиқомат қилаётган **4,5 минг нафар** аёлларни турар-жой билан таъминлаш учун бошланғич бадални қоплаб беришга ҳар бир вилоятга **10 млрд. сўмдан** маблағ (жами 140 млрд. сўм), 2022 йилда яна **4,5 минг нафар** аёллар учун жами **150 млрд. сўм** маблағ ажратсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова), Халқ банки (Саломов, Рашидова) билан биргаликда **бир ой муддатда** юқорида қайд этилган тоифадаги хотин-қизларнинг “маҳаллабай” рўйхатини шакллантирсин.

Рўйхатдаги ҳар бир аёл билан алоҳида суҳбатлашган ҳолда, уларнинг қобиляти ва иштиёқидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ўқитишни ташкил этсин, бандлигини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

“Аёллар дафтари”га киритилганларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз вақтида ва манзилли амалга ошириш масалаларига туман (шаҳар) ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маруфова, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Халқ банки раиси Ф.Саломов ва уларнинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари;

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари **ҳар чоракда** бюджет прогнозининг ортиқча бажарилган қисмининг **15 фоизини** “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига йўналтириб, ушбу йиғилиш баёнида белгилаб берилган топшириқларнинг молиявий манбаларини шакллантиришга **шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.**

24. Бош прокурор Н.Йўлдошев жорий йилда мажбурий ундирувлар ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига **150 млрд.сўм** миқдоридаги маблағни йўналтириш чораларини кўрсин.

25. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда:

бир ой муддатда ёлғиз аёлларнинг фарзандларини боғчаларга навбатдан ташқари қабул қилиш тизимини йўлга қўйсин;

Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда** боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёлларга фарзандини боғчага бериш харажатларини бюджетдан қоплаш тартибини жорий этиш, шунингдек ушбу тартиб-таомилнинг давлат мактабгача таълим муассасалари билан бир қаторда ва нодавлат муассасалар тарбияланувчиларига ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин.

26. Бош вазир ўринбосарлари А.Абдуҳақимов, Б.Мусаев, Маҳалла ва оилани оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Баситханова) маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **бир ой муддатда** хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида улар учун соғломлаштириш, спорт, фитнес клублари ва рақс тўгараклари, шу жумладан, гўзаллик салонлари сонини кўпайтиришни назарда тутувчи манзилли режаларни ишлаб чиқсин.

27. Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, Касаба уюшмалари Федерацияси (Рафиқов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **15 кун муддатда** ички туризмни ривожлантириш бўйича белгилаб берилган катта имкониятлардан фойдаланган ҳолда, йил давомида **камида 50 минг нафар** хотин-қизларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини, дам олишларини, санаторийларда даволаниш графигини (туманлар кесимида) тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

28. Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Молия вазири Т.Ишметов **бир ҳафта муддатда** ушбу йиғилиш баёнида белгиланган топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш учун **200 млрд.сўм** захирани шакллантирсин.

Бунда, **100 млрд. сўм** маблағни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Халқ банкига “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилганларни қўллаб-қувватлаш, улар учун кредит фоизларини қисқартириш, қолган **100 млрд. сўм** маблағни ушбу йўналишда “оғир” туманлар ва маҳаллаларга йўналтириш юзасидан пухта ўйланган таклиф киритсин.

29. Бош прокуратура (Артикова), Адлия вазирлиги (Давлетов), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов):

“Аёллар дафтари”га киритилган **12,5 минг нафар** хотин-қизларга, шу жумладан тазйиққа учраганларга малакали амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйсин;

бир ой муддатда мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республика бўйича зўравонликка учраган шахсларга ёрдам кўрсатувчи **197 та** марказ (шелтер) фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан улар фаолиятини ўрганиб чиқиб, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини ҳамда миллий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда улар ишини аёлларга психологик маслаҳатлар беришдан тортиб иш билан таъминлашгача бўлган комплекс тизим сифатида самарали ташкил этиш, аёлларга тазйиқ қилганларга нисбатан жамоатчилик таъсирини жорий қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

30. Аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Рафиқов, Маруфова) вилоят ҳокимлари билан биргаликда:

бир ой муддатда барча вилоятларда зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш учун нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда биттадан намунавий марказларни ташкил этсин;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари **бир ой муддатда** зўравонликка учраган шахсларга ёрдам кўрсатувчи **197 та** марказни малакали кадрлар ва зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Ишметов) ушбу йўналишга республика бюджетидан **10 млрд. сўм**, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобидан **100 млн. сўмдан** маблағ йўналтирсин.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари (Нарбаева, Исмоилов) **бир ой муддатда** хотин-қизларнинг давлат ва жамият олдидаги фидокорона хизматлари, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссаси, илмий ва амалий соҳалардаги эришган ютуқларини рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклиф киритсин.

32. Ўзбекистон миллий телерадиокомпания (Хаджаев) ЎзЭОАВМА (Абдухаликов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган аёлларни жалб қилган ҳолда, хотин-қизлар учун “Ифбатли аёл” телекўрсатуви намойишини йўлга қўйсин.

33. Бош вазир А.Арипов:

икки ой муддатда мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан аҳолини, шу жумладан “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганларни касбга ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун солиқларни тўлаш, кредитлар ажратишда зарур имтиёزلарни назарда тутувчи норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқирилишини таъминласин;

Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева билан биргаликда яқинда бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган тадбир – жорий йилда юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишга тайёргарлик кўрсин ҳамда уни юқори даражада ўтказиш юзасидан **икки ой муддатда** таклиф киритсин;

бир ой муддатда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”нинг намунавий (рақамланадиган ва муҳрланадиган) шаклини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳар бир туман (шаҳар)нинг ҳокими ушбу дафтарларни **ҳар ойда** Ҳукумат раҳбарига топширадиган тизимни йўлга қўйиш бўйича таклиф киритсин. Бунда, “Аёллар дафтари”ни дастлаб Сенат Раиси томонидан кўриб чиқирилиши ва “маҳаллабай” баҳо бериш амалиёти жорий этилиши инобатга олинсин;

Ёзувчилар уюшмаси (Саидов) билан биргаликда шоирлар ўртасида аёлни, “мўътабар она” деган улуғ тушунчани эътироф этиш ҳақида шеърлар танловини **бир йилда икки маротаба** ташкил этсин, ғолибларни муносиб тақдирлаш чораларини кўрсин, бунинг учун уюшмага зарур маблағларни ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ.Куранбоев билан биргаликда **икки ой муддатда** “Ёшлар дафтари” ҳамда “Темир дафтар”га киритилганлар билан ишлашда, уларнинг муаммо ва мурожаатларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида **2 та** кўрик-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида алоҳида қарорлар лойиҳалари тайёрланишини ташкиллаштирсин.

34. Касаба уюшмалари Федерациясининг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлашда, аёлларнинг муаммо ва мурожаатларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган таклифлари маъқуллансин. Жумладан:

1) март ойидан бошлаб қуйидаги **республика танловларини ўтказиш**:

- **9168 нафар** маҳалла раислари ўртасида “хонадонбай” ишлаш бўйича “**Энг яхши маҳалла раиси**” танлови;

- **828 та** сектор раҳбарлари ўртасида ўтказиладиган “маҳаллабай” ишлашда “**Энг яхши сектор раҳбари**” танлови;

- “Аёллар дафтари”га киритилган ўз маҳалласидаги аёлларни иш билан таъминлаган тадбиркор хотин-қизлар учун “**Касаба уюшмалари лауреати**” танлови;

- гендер сиёсати ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ролини оширишга қаратилган ишларни намунавий ташкил этган корхоналарнинг аёл раҳбарлари ўртасида “**Энг намунали аёл иш берувчи**” танлови.

Мазкур **4 та** танловнинг республика босқичида 1-ўрин ғолибларига “Ласетти”, 2-ўрин эгаларига “Кобальт”, 3-ўрин соҳибларига “Спарк” автомобиллини тантанали равишда топшириш, қолган **44 та** иштирокчини **30 млн. сўмдан** рағбатлантириш ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2) аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қуйидаги **лойиҳаларни амалга ошириш**:

- чекка ҳудудларда жойлашган **50 та** туманнинг қишлоқ жойларида ҳамда олис маҳаллаларида енгил конструкцияли “Аёллар гўзаллик салони”ни қуриш ва тўлиқ жиҳозлаб бериш, ушбу масканларда ишлайдиган “Аёллар дафтари”га кирган хотин-қизларни Тошкент шаҳрида ўқитиш ва ишга юбориш;

- ўз фарзандларини юртга садоқатли этиб тарбиялаб, вояга етказган ҳар бир вилоятдан **30 нафар** (жами 420 нафар) ибратли ва матонатли ёлғиз аёлларни касаба уюшмалари санаторияларида бепул соғломлаштириш;

- хотин-қизларнинг дарду-ташвишларини, муаммоларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатадиган **30 та** “Аёллар маслаҳат кенгаши”ни **50 млн. сўмдан** моддий рағбатлантириш.

Бунда, ушбу кўрик-танловлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги 189-Ф-сонли фармойишига асосан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касаба уюшмалари Федерациясига ўтказилган маблағлардан ҳудудларда хотин-қизлар учун янги иш ўринларини ташкил этишга берилган маблағларнинг қайтарилган қисмини сарфлашга рухсат берилсин.

Касаба уюшмалари Федерацияси (Рафиков) ушбу танлов ва лойиҳаларни оммавий ахборот воситалари, телеканаллар орқали эълон қилсин.

35. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова):

бир ой муддатда маҳалла раисларининг хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, “Аёллар маслаҳат кенгашлари” аъзоларини ўқитиш ишларини ташкил этсин.

Касаба уюшмалари Федерацияси (Рафиков) билан биргаликда уларнинг кундалик, ҳафталик, ойлик иш режаларини натижадорликка эришишни ҳисобга олган ҳолда аниқ белгилаб берсин;

Халқ таълими вазирлиги (Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Тошқулов) билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳар бир туман (шаҳар), маҳаллаларда қизларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида “Бибиҳоним мактаблари”ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

36. Молия вазирлиги (Ишметов) Халқ банки (Саломов) билан биргаликда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ишларини кучайтириш, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бизнес режалар (лойиҳалар) қўламини ошириш ва татбиқ этиш мақсадида банкнинг ресурс қобилиятини ошириш бўйича таклиф киритсин.

37. “Ўзбеккино” агентлиги (Абдухаликов), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ходжиматов), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) билан биргаликда аёлларнинг жамиятдаги муаммоларини, шу жумладан турли касб ва ижтимоий мавқега эга хотин-қизларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи миллий сериаллар, бадиий ва ҳужжатли фильмларни тайёрласин.

38. Маданият вазирлиги (Назарбеков):

Халқ таълими вазирлиги (Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) билан биргаликда **ўн кун муддатда** мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида аждодларимиз, оналар сиймосини акс эттирувчи спектакллар намойишини мунтазам ташкил этиб бориш бўйича қўшма режани ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова) билан биргаликда **бир ой муддатда** ҳар бир маҳаллада, туман (шаҳар)да, вилоят ва республика миқёсида “Алла айтган етар муродга” кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўрсин.

39. Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаевага:

Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйиш чораларини кўриш;

ҳудудларда “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

ҳар ойда бир марта вилоят ҳокимлари билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимлари, секторлар ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларининг хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида эшитиш, шунингдек Сенатда муҳокама йиғилишларини йўлга қўйиш;

жорий йил 10 мартдан бошлаб Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раҳбари Қ.Рафиқов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маруфова билан биргаликда **10 кундан** ҳар бир вилоятда хотин-қизлар билан ишлаш жараёнларини ўрганиш ва ушбу йўналишда белгиланган вазифалар ижросини ташкил қилиш;

Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши қошидаги жамғарма ҳисобидан иқтидорли аёлларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, улар учун танловлар ўтказиш;

“Аёллар дафтари”га киритилган ногиронлиги бор аёллар, нуроний онахонлар билан доимий ва тизимли равишда ишлаш тизимини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашишда ташаббускорлик кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга жамғарма ҳисобидан грантлар ва субсидиялар ажратиб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида шифохоналарда даволанаётган хотин-қизларни, Мурувват уйларидаги аёлларни, “Аёллар дафтари”га киритилганларни байрам билан табриклаш тадбирларини ташкил этиш;

Фанлар Академияси (Йўлдошев), Ёзувчилар уюшмаси (Саидов), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ходжиматов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маруфова), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб миллий давлатчилигимиз тарихида муносиб из қолдирган ҳамда бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида маълумотлар жамланган “Ўзбекистоннинг маърифатпарвар аёллари” номли китоб-альбомини давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш ва нашр этиш ишларини таъминлаш тавсия этилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раҳбари Қ.Рафиқов ушбу баёнда белгиланган топшириқларнинг муддатида ва сифатли бажарилиши юзасидан **тегишлиги бўйича назорат ўрнатилишини** таъминласин.

41. Ҳисоб палатаси (Турабов) мазкур Баён топшириқлари бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли ижрочилар **томонидан амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги** юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ахборот киритиб борсин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

2021 йил “02” март

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
раҳбари



З. Низомиддинов

2021 йил “02” март